БАДИИЙ ТАРЖИМАДА МИЛЛИЙ РЕАЛИЯЛАРНИ ЎГИРИШ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР

М.А.АБДУВАЛИЕВ, М.М.ЯҚУБОВА, М.М.ҲАЛИМОВА

Мақолада миллий реалияларнинг тавсиф ва таснифи, уларни тилдан-тилга ўгириш масалалари юзасидан фикр юритилади.

***Калит сўзлар**: миллий реалия, транслитерация, изоҳли таржима, алдоқчи эквивалент, тўлиқ транслитерация, чала транслитерация, транскрипция.*

В статье исследуются вопросы перевода, классификации и характеристики так называемых национальных реалий.

***Ключевые слова**: национальные реалии, транслитерация, пояснительный перевод, ложный эквивалент, полная транслитерация, частичная транслитерация, транскрипция.*

The article deals with the problems of definition of principles of classification and translation of the so called 'national realies'.

***Key words**: national realies, transliteration, false equivalents, full transliteration, partial transliteration, explanatory translation, transcription.*

Дунё тиллари лексик системаси таркибида учрайдиган, улар луғат бойлигининг бир қисмини ташкил этувчи миллий реалияларнинг тавсиф ва таснифи, уларнинг тилда пайдо бўлиш омиллари, айниқса, миллий реалияларни тилдан-тилга ўгириш масалалари соҳа мутахассисларининг диққат эътиборида бўлиб келаётган бўлса-да, ҳозиргача ўзининг тўла ижобий ечимини топган эмас [1-8].

Бу борадаги муаммолардан бири у ёки бу

тилгагина хос сўзлар учун барча мутахассислар томонидан эътироф этилган ягона терминнинг мавжуд эмаслигидир. Шу боис мавжуд илмий манбаларда “хос сўзлар”, “эквивалентсиз лексика”, “хорижий сўз”, “бегона сўзлар”, “экзотизмлар”, “варваризмлар”, “локализмлар”, “этнографизмлар”, “миллий реалиялар”, “лакунлар” каби қатор атамаларни учратамиз. Санаб ўтилган атамалар соҳа мутахассислари мавжуд муаммо ечимига турли нуқтаи назарлардан ёндашганларини кўрсатади. Назаримизда, эквивалентсиз лексика, хос сўзлар, миллий реалиялар атамалари тадқиқ этилаётган лексик бирликларни ягона ном билан аташ учун мақбул туюлса-да, терминлар унификацияси нуқтаи назаридан, реалиялар маълум тилга ёки халқ турмуш тарзигагина хос воқелик сифатида вужудга келишини назарда тутиб, уларни миллий реалиялар (national realies) деб номлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хўш, миллий реалия нима ўзи? Миллий реалиялар у ёки бу халқ тараққиётининг маълум даврида у ёки бу тарихий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа шарт-шароитлар замирида вужудга келган, маълум халқ урф-одатлари, анъаналари, маданияти, менталитети, турмуш тарзига хос предмет ва тушунчаларни ифодаловчи, тилнинг луғат бойлиги таркибида ўзига хос мақомга, грамматик шакл ва маънога эга лексик бирликлардир. Миллий реалиялар миллий руҳ ва давр руҳини ифодалаб, илмий-ижодий тафаккур махсули сифатида тилда намоён бўладилар.

Дунё тиллари, шу жумладан, инглиз ва ўзбек тилларида ҳам луғат бойлиги таркибига кирувчи сўзларнинг салмоқли қисми бирдан ортиқ маънога эга бўлиб, уларнинг асл маънолари аниқ нутқий вазиятларда ойдинлашади. Шундай экан, таржимон сўз маъносини аниқлаштиришда тор ва кенг нутқий контекстга мурожаат этишига тўғри келади.

Биринчи тоифа контекстда сўз маъноси алоҳида олинган гап доирасида аниқлашади: Where did you get our shoes? They are very nice – Туфлиларимизни қаердан олдингиз (сотиб олдингиз)? Чиройли экан.

Иккинчи тоифа контекстда сўз маъноси у мавжуд бўлган гапни қуршаб келган гаплар, асар матни ёки унинг таркибидаги мазмунан тугал бўлак (абзац)лар ёрдамида аниқлашади. Масалан, таниқли инглиз юморист ёзувчиси Жером Кей Жеромнинг “Қайиқдаги уч киши” номли асарида “Look at the nose” жумласи мавжуд. Асар қаҳрамонларидан бири шу жумлани қайиқдаги суҳбатдошига айтганда, у “Дўстимнинг бурнига қарадим. Унинг бурни жойида. Бурнимни ушлаб кўрдим. У ҳам жойида”, дейди. Жумла атрофидаги гапларни ўқир эканмиз, гап муаллифи “Қайиқнинг бурун (тумшуқ) томонига қара, эҳтиёт қил. Тошга урилиб шикаст етмасин”, демоқчи бўлган: “Look at your boat, sir” we looked then, and saw that the nose of our boat had got fixed”. [13, 139]. Ҳақиқатда “nose” сўзи кўп маъноли бўлиб, у инсон тана аъзосини англатишдан ташқари қайиқ, кема ёки самолётнинг олд томонини ҳам англатади. Кўриниб турибдики, таржимон кўп маъноли сўзнинг барча маъноларидан бохабар бўлишдан ташқари, лексик бирлик қандай контекстда қўлланаётганига ҳам эътибор бериши керак бўлади.

Тилнинг луғат бойлигини ташкил этувчи лексик бирликлар ўзаро систем муносабатда бўладилар. Бу муносабатлар сўзлар маъноси, уларнинг стилистик жиҳатлари ва функционал вазифалари орқали воқеланади. Масалан, юз, башара, бет, чеҳра, афт, нусха сўзларининг маъноси, қўлланилиш кўлами, стилистик бўёқдорлик даражаси турличадир. Бу ҳолатда таржимон аниқ нутқий вазият (расмий, норасмий)га мос ва хос лексик бирликни топа олиши керак бўлади. Таржима тилида маъно ва эмоционал бўёқдорлик жиҳатидан муқобил лексик бирликнинг мавжуд эмаслиги боис таржимон маълум контекст орқали ўша сўз маъносига яқин маънони ифодаловчи бирликни топиши ёки уни изоҳли таржима орқали амалга оширишига тўғри келади.

Таниқли рус олими А.В.Федоров таржимада сўз маъносини ифода этишнинг уч хил имкониятини санаб ўтади: 1) аслиятдаги сўзнинг таржима тилида мувофиқ эквиваленти мавжуд бўлмайди; 2) маъно мувофиқлиги тўла бўлмайди, аслиятдаги сўз маъноси қисман қопланади; 3) кўп маъноли сўзнинг турли маъноларига таржима тилида турли сўзлар мувофиқ келади, бунда маъно у ёки бу даражада ўз ифодасини топади [12.139-140].

Аслиятдаги бир маъноли сўзнинг таржима тилида бир маъноли сўз билан берилиши кам бўлса-да, учраб туради. Бундай мувофиқлик, асосан, илм-фан терминларига хосдир: phonetics–фонетика, mathematics–математика, economics–иқтисодиёт ва ҳоказолар.

Баъзан фалсафа, сиёсат, эстетика ва бошқа фан соҳаларига хос терминлар бошқа бир тилда мувофиқ эквивалентига эга бўлмаслиги ҳам мумкин. Бундай ҳолларда таржимон маъноси яқин лексик бирликни танлайди, янги сўз яратади ёки аслиятдаги сўз негизини ўзлаштиришига тўғри келади. Шу асосда ҳозирги замон ўзбек тили луғатида, айниқса, мустақиллик йилларида қатор неологизмлар пайдо бўлди. Булар жумласига *сенат, гастарбайтер, парламент, юқори*

палата, қуйи палата, электорат, депутат, спикер, омбуцман, брокер кабиларни киритиш мумкин. Булар тўлиқ, аниқ ва мукаммал таржимани амалга оширишни қийинлаштирадигандек кўринади. Лекин юқоридаги ўзлашган реалиялар ўзбек адабий тилида ўзига хос равишда мувофиқ эквивалентларини топиб бормоқда: economist – иқтисодчи, inflation – пулнинг қадрсизланиши, broker – даллол, воситачи кабилар. Ўзбек тилида шундай сўзлар борки, улар ҳанузгача инглиз тилида ўз эквивалентларига эга эмас. Масалан, “аския” ўзбекларга хос бўлган икки ёки ундан ортиқ сўзамол, ҳозиржавоб кишилар ўртасидаги кўнгилочар, сўз ўйинига асосланган мусобақа бўлиб, у Европа халқлари ҳаётига хос эмас. Шу боис бу сўз маъноси изоҳли таржима орқали берилади: аския – the contest of wits.

Демак, у ёки бу терминнинг таржима тилида мувофиқ эквиваленти йўқлиги унинг маъносини ўзга тилда ифодалаб бўлмайди дегани эмас, уни ҳеч бўлмаганда бир неча сўз иштирокида изоҳли таржима орқали бериш мумкин. Шунингдек, тилнинг тарихий тараққиётидаги маълум бир босқичда бундай сўзлар ўз эквивалентини топиши мумкин.

Инглиз тилидаги “master” сўзи маълум вазиятларда “устоз”, “хўжайин”, “жаноб” ва “уста” каби маъноларга эга бўлади. Бу маънолар муайян нутқий ва ҳаётий вазиятдагина аниқлашади. Бир талай вариантлар орасидан мосини танлаб олиш учун таржимон кенгроқ контекстга мурожаат этади. Масалан: инглиз тилида “*Master of all trades”, “Jack of all trades*” синоним бирикмалари мавжуд. Улар ҳар қандай ишни қилаверадиган, лекин ўша ишнинг устаси даражасида бажара олмайдиган одамга нисбатан ишлатилади. Бу ҳолатда *master* “уста” маъносида келмоқда. Ёки *Master, I’m grateful to you for all you taught me* гапида эса “устоз”, *I can’t go out without the permission of my master* гапида “хўжайин”, “хожа” маъносида келаётганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Аслият матнидаги лексик бирликларнинг эквиваленти мавжуд бўлмаган ҳолатлар таржима тилидаги *алдамчи эквивалентлар* ҳақидаги билимларга ҳам эга бўлишни тақозо этади.

Алдоқчи эквивалент сўз деганда чет тилидаги сўзга ёзилиши ва эшитилиши жиҳатдан қисман ёки тўла мос тушувчи сўз тушунилади. Немис тилидаги *dramaturg* – “режиссёр”, “театр репертуари бошлиғи” маъносини, рус ва ўзбек тилларида эса *драматург* – драматик асарлар муаллифи, театрлар учун асар ёзувчи маъноларини беради. Инглиз тилида “producer” сўзи орқали фильмни молиявий таъминоти билан шуғулланувчи юридик шахс тушунилса, фильм режиссёри “director” деб аталишини ҳам таржимон ҳисобга олиб қўйиши лозим.

Демак, шаклан ўхшаш бўлган сўзларнинг мазмун-моҳияти, қўлланиш кўлами кабиларга эътибор бермаслик таржиманинг саёз ва юзаки бўлишига, асар муаллифи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқотнинг бузилишига олиб келади.

Ёзувчи, адиб, драматург, шоир, writer, novelist, playwright, poet, bard сўзлари ўртасидаги синонимия, асосан, маълум ҳаётий вазиятлар ва кенг контекст асосида юзага келади. Шу боис маълум контекст асосида бирлашган параллел синоним воситаларни контекстуал лексик вариантлар деб аташ мақбул деб ўйлаймиз.

Лексик вариантлар эса деярли бир хил маънони англатувчи ўзаро муносабатга киришувчи параллел воситалар бўлиб, улар бир-бирларидан стилистик жиҳатлари ва вазифаларига кўра фарқ қиладилар. Нисбатан бир хил тоифа грамматик муносабатлар ҳам тилда турли грамматик вариантлар орқали ифодаланиши мумкин. Масалан,

Пайт эргаш гапли қўшма гап	⟷	Пайт ҳолли (сифатдош I, II) содда гап орқали
While I was watching TV I cooked my supper.		While watching TV I cooked my supper

Бундай синтактик вариантлар таржима жараёнида таржима бирлиги ролини бажариб келади. Гапни унинг мазмунига путур етказмаган ҳолда турли синтактик қурилмалар орқали бериш имконияти ҳам таржима сифатини таъминлашда катта роль ўйнайди:

Though it rains, I shall go out	Ёмғир ёғса ҳам, кўчага чиқаман
	Ёмғир ёғса-ёғсин, кўчага чиқаман
	Ёмғир ёққанига қарамай, кўчага чиқаман ва ҳ.к

Миллий реалияларни ифодаловчи сўзларни таржима қилишнинг қуйидаги усулларини фарқлаймиз: 1) транслитерация (тўлиқ ва чала) аслиятдаги реалияни ифодаловчи сўз ўзагини ўзлаштирган ҳолда таржима тили ҳарфлари билан ёзиш ва унга турли аффиксларни қўшиш; 2) тилда мавжуд бўлган элемент ва морфологик муносабатлар асосида мос предметни ифодалаш учун янги сўз, сўз бирикмаси ёки қўшма сўзни яратиш; 3) таржима тилида чет тилдаги реалияни ифодалаш учун вазифаси ўхшаш сўзни қўллаш. Бундай ҳолда айнан бўлмаса ҳам яқин таржима содир бўлади ва у контекстда аниқлашади.

Биринчи усул бўйича ўзбек тилига ўгирилган миллий реалиялар сирасига *гамбургер, хотдог, пицца, лаваш, спагетти, бутерброд, миксер, тостер, Дисней Лэнд, Франс Пресс, интернет, футболчи, шоколад* кабиларни киритиш мумкин.

Иккинчи усул асосида ифодаланган *реалияларга совутгич, музлатгич, гўшт қиймалагич, қопқоқ очқич* кабилар мисол бўла олади.

Учинчи усул бўйича ифода этиладиган реалиялар туркумига кўплаб рус тилидан бошқа тилларга кириб келган, лекин ҳозирда истеъмолда кам қўлланилаётган *“sowjet” “kolchos”* ёки рус тилидан ўзбек тилига кириб келган *полк, дивизия, взвод* кабиларни киритиш мумкин.

Таржима жараёнида транслитерация у ёки бу мамлакатга хос лавозим, ташкилот, идоралар, халқ турмуш тарзига хос тушунча ва нарсалар, мурожаат этикетлари тилга олинганда кўп қўлланилади: мэр, ландлорд, эсквайр, баррел, мил, спикер, ўзбек тилидаги “ҳоким”, “кураш”, “ҳалол”, “чала” спорт терминлари дунё тилларига транслитерация усули орқали таржима қилинганлигини ҳам таъкидлаш жоиз.

У ёки бу сўзнинг таржима тилида мувофиқ таржимаси бўлмаса, уни ягона ва ўзига хос эканлигини таъкидлаш учун транслитерация усулига мурожаат этган мақбул. Бироқ транслитерация усулига кўп мурожаат этиш таржима тилида зарур-нозарур ўзлашган сўзларнинг кўпайиб кетишига, тил софлигининг бузилишига олиб келади. Ҳозирда немис тилидан рус ва бошқа тилларга “gastarbeiter” (гастарбайтер) сўзи кириб келди. Бу сўз оммавий ахборот воситалари орқали ўзбек тилига ҳам кириб улгурди. Лекин ўзбек тилида унинг эквиваленти сифатида “мусофир ишчи”, “келгинди ишчи” сўз бирикмаларини қўллаш ёки ўша сўзга юқоридагиларни изоҳ сифатида бериш мақбул кўринади.

Тарихий шахсларнинг атоқли отлар тоифасига кирмайдиган ном ва лақаблари фақат таржима усули орқали тилдан-тилга ўгирилишини алоҳида таъкидлаш лозим: *Peter the Great – Буюк Пётр, Timur the lame – Темурланг, Alfred the Great – Буюк Алфред.*

Реалияларга миллийлик ёки тарихий колоритни акс эттириш, истеъмолда фаол ва кам қўлланиш хусусиятлари хос. Бир даврда реалия фаол қўлланган бўлса, бошқа даврда у архаик реалиялар туркумига қўшилиб қолади. Бироқ баъзи архаик реалиялар маълум даврга келиб истеъмолга қайтиши ва фаоллашиши мумкин (*“ҳоким”, “элликбоши”, “юзбоши”*).

Транслитерациянинг икки тури фарқланада: 1) тўлиқ транслитерация (full transliteration); 2) чала транслитерация (partial transliteration) [12.52].

Биринчи тур транслитерацияга *гастарбайтер, спикер, принтер, Марк Твен, Дейли Уоркер* кабилар мисол бўлса, иккинчи тур транслитерацияга *Ист Англия, Стратфорд* кабилар киради.

Миллий реалиялар миллий адабиётнинг турли жанрларига хослиги билан ҳам аҳамиятлидир. Шу боис тадқиқот мавзусини Эрнест Хемингуэйнинг “Алвидо, қурол!” асари мисолида таҳлил этишни лозим топдик.

Асар воқеалари, асосан, Италияда содир бўлиб, қаҳрамонлари инглиз, америкалик, немис, француз, итальянлардир. Шу боис “Алвидо, қурол!” реалияларга бой бўлиб, улар орқали ёзувчи асарга табиийлик, ўзига хосликни олиб кирмоқчи бўлган.

Асарда реалиялар лексик ва таржима бирликлари сифатида намоён бўлиб, уларнинг аксарияти итальянларга, қолганлари немис, француз ва америкаликларга хосдир. Булар асарни ўқиш ёки таржима қилишда ноқулайлик туғдиришини ҳисобга олиб, адиб изоҳлар (Notes) қисмида сўз, унинг транскрипцияси ва изоҳини инглизча бериб кетишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаган ва тўғри қилган ҳам (масалан, “Amalfi [ə´ma:lfi], a picturesque old city in Campania (southern Italy), on the Gulf of Salerno [11.35). Palermo [pə´lə:mou], a city and port in north-western Sicily on the Bay of Palermo, noted for the rich architecture of many of its buildings [11.35]). Шунингдек, тоғ тизмалари, порт, дам олиш масканлари ва ресторанлар номлари, у ёки бу мамлакатда нашр этиладиган журналлар, миллий таом ва ичимлик номлари ҳам реалиялар сифатида намоён бўлган.

All right, good luck and vive la France! [11.75] гапида француз реалияси бўлиб, суҳбатдошлардан бири француз эканлигини алоҳида таъкидлаш мақсадида муаллиф инглиз ва француз тиллари бирликларини қориштириб беради. Лекин ёзувчи жумланинг изоҳини “Long live France” деб беради.

I sat with a friend and two glasses drinking a bottle of Asti, and looking out at the snow falling slowly and heavily … [11, 33] гапидаги “Asti” сўзи Италия шимолидаги Асти шаҳрида ишлаб чиқариладиган вино навини англатади. Бундан бехабар ўқувчи “Asti” (Асти) ичимлик тури эканлигини унинг қуршовида турган “drinking a bottle of …” сўз бирикмаси орқали билиб олиши мумкин, лекин у виноми, бренди ёки ароқ эканлигини билмайди. Шу боис ушбу гапнинг қуйидагича ўгирилгани маъқул: “Дўстим билан иккита қадаҳга қуйилган Асти виносини ичиб, ташқарида пағалаб секин ёғаётган қорга тикилиб ўтирдик”. Асарнинг 27-боби 175-саҳифасида “We can’t eat cheese and monkey meat” гапи

бор. Агар ўқувчи “monkey meat” (tinned meat) пишириб қадоқланган гўшт эканини билмаса, гапни “Биз пишлоқ ва маймун гўштини ея олмаймиз” деб тушунган ёки таржима қилган бўлар эди.

Роман моҳир таржимон Иброҳим Ғафуров томонидан рус тилидан ўзбек тилига ўгирилган. Эрнест Хемингуэй ҳам, Иброҳим Ғафуров ҳам “soto-tenente”, “soto-colonello” ҳарбий реалияларини итальян тилида қандай жаранглаca, худди ўшандай ўгирганлар: “Сиз soto-tenente бўлиб кетасиз! Сиз tenente-colonello бўлиб қайтасиз!” [10.13]. Бироқ аслиятдаги ҳарбий унвонни ифодаловчи “capitano”, “soto-tenente” сўзлари ўзбек тилига хорижий сўзлар шаклида айнан берилгани тўғри эмас.

“I would like you to see Abruzzi* and visit my family at Capracotta,* said the priest” [11.35] гапидаги юлдузчали сўзлар Хемингуэй томонидан “Абруци” жанубий-марказий Италиядаги ҳудуд, у асосан қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиши, Capracotta [ka:prə´kotə] эса “a village in the Abruzzi” (Абруцидаги қишлоқ) деб изоҳланади. [11.290]

Ўзбек тилида ушбу жумлалар таржимаси қуйидагича жаранглаган: “Сиз Абруцага бориб, Капрокоттада менинг қариндошларимникида қўноқ бўлсангиз деб эдим, - деди Кешиш” [10.12].

Хемингуэй изоҳларида Abruzzi (ўлка) [ə´brutsi], Capracotta [ka:prə´kotə] (қишлоқ) деб транскрипцияси берилган. Бизнингча, бу жой номлари итальян тилида қандай жаранглаca, ўзбек ва рус тилларида ҳам ўшандай ифодалангани мақбул. Таржима рус тилидан қилинганлиги учун рус тилида “Абруца” реалияси ўзбек тилида ҳам худди ўшандай берилган. Аслида таржимада “Абруци” берилгани мақбул эди. “Capracotta” эса тўлиқ транслитерация усули орқали ўгирилган.

Италияликларнинг миллий таоми бўлмиш “spaghetti” [spə´geti] ни Э.Хемингуэй “a kind of macaroni made in long cords of every small diameter” [11.290] деб изоҳлайди. “That night in the mess after the spaghetti* course, which every one ate very quickly the loose strands hung clear then lowering it into the mouth” [11.34] гапининг ўзбек тилидаги таржимасида таом номини англатувчи реалия “спагетти”, овқатланиш анжоми “fork” “вилка”, ичимлик ичиладиган шиша идиш “стакан” сўзлари орқали тўғри ўгирилган деб ўйлаймиз. Чунки ўзбек тилида “fork” ва “glass” сўзларининг мувофиқ эквивалентлари мавжуд эмаслиги боис таржимон рус тилидаги эквивалентларини (вилка, стакан) ўзлаштирган ҳолда ўгирган. Бу сўзлар ўзбек тили луғатидан ва ҳаётидан мустаҳкам ўрин олиб улгурган ўзлашган реалиялар эканлигини эътироф этган ҳолда, “вилка” учун ўзбек тилида “санчқи” эквиваленти мавжудлигини айтиш жоиз.

Таржимада “officers” сўзи “офицер” сўзи орқали ифодаланган. Ҳозирги ўзбек тилида “зобит” сўзи қайтадан фаоллашгани боис бундан кейинги таржималарда шу сўзни қўллаш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Яна бир қизиқарли мисол уруш билан боғлиқ реалиянинг ўгирилишида кузатилади:

“- What hit you? – asked Simons.

- You know those potato mashers?” [11.120] диалогида “potato mashers” сўз бирикмаси ҳолидаги реалияни адиб “a kind of hand-grenade resembling a potato masher” [11.300] деб таърифлайди. Бу суҳбат ўзбек тилига қуйидагича ўгирилган:

“- Нимадан яраланувдингиз? – сўради Симмонс.

- Қўл гранатасидан. Картошка майдалайдиган нарсага ўхшайди. Сиз бунақа нарсани биларсиз?” [10, 129].

Биринчи жаҳон уруши даврида италияликлар картошка ва бошқаларни пишириб, эзғилаб турли таомлар тайёрлашган. Бунинг учун улар ёғоч ёки алюминийдан тайёрланган уч томони каттароқ, тўмтоқ асбобдан фойдаланишган. Унинг шакли-шамойили қўл гранатасига ўхшаб кетганлиги боис асарда “potato masher” дейилганда, гранатанинг бир тури назарда тутилган. Ўзбек тилида эса реалияни бериш унчалик муваффақиятли чиқмаган, “картошка майдалайдиган нарса” (асбоб) деб изоҳланган. Адиб назарда тутган нарса аслида картошка эзғилайдиган ошхона анжоми бўлганлиги боис уни асар таржимаси матнида “картошка эзғилагич” тарзида берилса мақбул бўларди. Юқоридаги гап “Сиз бунақа нарсани биларсиз?” деб ўгирилган. Бизнингча аслиятдаги гапни “Сиз ўшанақа қўл гранаталарини биласизми (кўрганмисиз)?” деб таржима қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

23-бобдаги “The small boy in buttons* carried the package” гапидаги “boy in buttons”ни Э.Хемингуэй қуйидагича изоҳлайди: “a hotel boy in livery who escorts guests to their rooms, assists them with their luggage” [11.304]. Ўзбек тилида бу гап қуйидагича берилган: “Тугмачалари йилтироқ бола тугунчани кўтариб олди” [10.161. Бизнингча, бу гапни қуйидагича ўгириш тўғри бўларди: “Тугмачали нимча кийган дастёр (хизматчи) бола тугунчани кўтарди”.

Ўзбекча таржимада [10.31] “О, йўқ, мен VAD*ларданман” гапидаги “VAD” қуйидагича изоҳланган: “Voluntary Aid Department” (инг.) – Ҳаркатдаги армияга хизмат кўрсатувчи аёлларнинг кўнгилли корпуси [10.31]. Бу қисқартма ном инглизларга хослиги учун у қандай бўлса, ўшандайлигича ўгирилган. Таржимада “VADлар”,

“VADлардан” сўзлари мавжуд. Улар инглиз тилидаги қисқартма сўз ва кўплик+келишик (лар+дан) қўшимчалари қўшилиши орқали икки тилга хос элементлардан ясалган. Бу аслида “Ҳамшира аёлларнинг кўнгилли корпуси” деб ўгирилгани мақбул эди. Аслиятдаги ресторан “Gran Italia”, опера театри “the Scala” [11.87] реалиялари ўзбек тилига тўлиқ транслитерация воситасида ўгирилган: “Ла Скала”га борарсиз”; “Гран Италиа”га, дедим мен” [10.86].

Еттинчи бобда асар қаҳрамонлари Хенри ва Ринальди ўртасида кечган суҳбатда “Chew those, baby, and God be with you”, “Bacchus, I said” [11.59] дейилади. Э.Хемингуэйнинг изоҳича, “Bacchus” [bækəs] Рим мифологиясидаги вино худоси. У ўзбек тилига “Чайнаб юборинг, бэби, худо сизни ёрлақасин”. “Бакус, дедим мен” [10.48] тарзида ўгирилган. Бу каби гаплар ўзбек адабий тили учун сунъий ва ясама туюлади. Ринальди ва Хенри дўст бўлганликлари учун улар бир-бирларини сизлашмаганлар, иккинчидан, эркалаш маъносидаги “baby” сўзи “бэби” деб ўгирилган. “Бакус” эса нимани англатишини ўқувчи тушунмайди. Шу боис қуйидаги таржима вариантини таклиф этамиз: “Мана буларни чайнаб юбор, йигитча, худо ёрлақасин”. “Бакуснинг ўзи мадад қилсин, дедим мен”. Таржима матнида Бакусга изоҳ бериб кетиш ўринли бўлур эди.

“Алвидо, қурол!” асари матнидаги реалиялар ўзбек тилига транслитерация, изоҳли таржима, транскрипция, ўзга тилдаги реалияларни ўша тил ҳарфлари орқали, қандай бўлса ўшандайлигича ўгирилганига гувоҳ бўлдик. Аслиятни ўзбекча таржима билан қиёслаш орқали асарни бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда қайта таржима қилиш вақти келганини таъкидлаш лозим. Чунки таржимада рус тили, русча тушуниш руҳи сезилиб туради. Баъзи бир синтактик ва лексик қурилмалар таржимаси ўзбек тили меъёрларига мос тушмайди, улар сунъий бирлик ва маънолар сифатида намоён бўлади. Бу эса таржиманинг саёз ва қуруқ бўлиб чиқишига, асар охорининг тўкилишига олиб келади. Демак, реалияларни тилдан-тилга ўгиришда миллий руҳ ва миллий колоритни сақлаш баробарида таржима тили софлиги, ўзига хослигини сақлаш тамойилларига ҳам амал қилиш талаб этилади.

Адабиётлар:

1. Бархударов Л. С. Общелингвистическое значение теории перевода. / Теория и практика перевода. – Л.: ЛГУ, 1962.
2. Влахов С., Флорин С. Непереводимые в переводе. – М., 1986.
3. Жўраев К., Холбекова Б. “Темур тузуклари”даги реалиялар таснифи, тавсифи ва уларни таржима қилиш тамойиллари. // АДУ. Илмий хабарнома. – 2013.– №2. – Б. 68-72.
4. Кўчибоев А. П.Меримениng “Коломба” қиссаси таржимасида миллий реалияларнинг берилиши. // Бадиий таржиманинг лингвопоэтик муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Самарқанд, 2013. – Б. 92-96.
5. Мирзаев И.К. Проблемы передачи слов обозначающих реалии французской жизни на узбекский язык. Автореферат дисс. ... канд. филол. наук. – Л. 1975.
6. Мусаев Қ. English stylistics. – Т.: Адолат, 2003.
7. Саломов Ғ. Таржима ташвишлари. – Т., 1983.
8. Саломов Ғ., Комилов Н. Таржимон маҳорати. – Т., 1979.
9. Хемингуэй Э. Прощай, оружие! – М.: Художественная литература, 1968.
10. Хемингуэй Э. Алвидо, қурол! – Т., 1973.
11. Hemingway E. A Farewell to arms. progress publishers. – M., 1976.
12. Федоров А. В. Основы общей теории перевода. – М., 1966.
13. Jerome K. J. “Three Men in a Boat” Higher School. – M., 1976.

Андижон давлат университети
2013 йил 4 декабрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. С.Раҳимов)